Куч — адолатда

2011 йил,
24 февраль,
пайшанба
№ 8 (314)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.supcourt.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Ислоҳотлар халқимиз фаровонлигининг юксалишига хизмат қилмоқда

Юртимизда мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб аҳоли бандлигини таъминлаш борасида пухта ўйланган изчил ижтимоий сиёсат олиб борилмоқда. Дунё миқёсида алоҳида эътироф этилаётган тараққиётнинг «Ўзбек модели» нақадар тўғри эканлиги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида яна бир бор ўз исботини топди. Шу асосда ҳозирги кунда жамиятни эркинлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилиш билан боғлиқ жараёнлар қатъий ва изчил тус олди. Бунда аҳоли бандлигини таъминлаш орқали кучли ижтимоий муҳофаза таъминланаётгани эътиборга молик.

Маълумки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, айниқса, меҳнат бозорига салбий таъсирини ўтказмоқда, кўплаб давлатларда иш ўринлари қисқариши давом этаётир. Шундай мураккаб бир шароитда мамлакатимизда янги иш ўринлари яратиш, аҳолини иш билан таъминлашнинг мақсадли дастурлари, чора-тадбирлари амалга оширилаётгани юксак самаралар бермоқда.

Олий Мажлис Сенатининг 2010 йил 3 — 4 декабрь кунлари бўлиб ўтган тўртинчи ялпи мажлисида **«2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури»** маъқулланди. Ушбу дастурни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад — аҳоли бандлиги, даромадлари, турмуш даражаси ва сифати ошишини таъминлаш, мамлакатимиз ҳудудлари ва иқтисодиёт тармоқларининг меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш, иш ўринларини ташкил этиш ҳамда аҳоли бандлигини ҳал этиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг масъулиятини кучайтиришдан иборат.

Дастур меҳнат бозорининг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжлари таҳлили ва баҳоланиши натижаларига, шунингдек, 2011 йилда иқтисодиётнинг барқарор ўсишини ва ҳудудларни ривожлантиришни таъминлаш, шу жумладан, 2009 – 2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури, Инвестиция дастури, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, модернизациялаш ва технологик қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқда уй-жой қурилиши дастурлари, минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, индустриал салоҳиятини ошириш ҳудудий дастурларига мувофиқ чора-тадбирларнинг амалга оширилишига асосланган.

(Давоми иккинчи бетда)

Истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсат аҳоли фаровонлигининг янада юксалишида муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, юртимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам ва гуруҳларни қўллаб-қувватлашнинг миллий механизми ишлаб чиқилди, давлат бюджетидан ажратиладиган маошлар, пенсия ва стипендиялар миқдори мунтазам равишда ошириб борилмоқда. Зеро, эҳтиёжмандларни, айниқса, кексалар ва ногиронларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш халқимизга хос фазилатлардандир.

Yangi qonun mohiyati

Пенсия таъминоти тизими

соҳага оид қонунчилик янада такомиллаштирилди

Ижтимоий ҳимоя тизимига оид ҳуқуқий асосларнинг такомиллашаётгани соҳага давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар салмоғи ва самарадорлигининг ортишига хизмат қилмоқда. Бундан кўзланган пировард мақсад ҳам фуқаролар манфаатларини янада кенгроқ ҳимоя қилиш ва халқ фаровонлигини оширишдир. 2010 йилнинг 23 декабрида матбуотда эълон қилинган **«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги қонун ҳам ана шундай эзгу мақсадга йўналтирилган.

Ижтимоий сиёсатни адолат тамойилларидан келиб чиқиб амалга оширишда унинг ҳуқуқий асослари замон талабларига мос бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Ушбу янги қонун ҳам пенсия қонунчилигини янада такомиллаштириш, илғор халқаро тажриба ҳамда бозор иқтисодиёти тамойилларига мослаштириш, шунингдек, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағларини шакллантиришда фуқароларнинг қўшган шахсий ҳиссаси билан тайинланган пенсиялар миқдори ўртасидаги узвийликни таъминлашга хизмат қилади. Айни пайтда амалдаги пенсия таъминоти қонунчилигига киритилган мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар аҳолининг бандлигини ва фаровонлигини янада ошириш, расмий секторда меҳнат қилишни рағбатлантиришда муҳим омил бўлишини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Маълумки, 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган **«Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»**ги қонунда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқини берувчи меҳнат стажининг қуйи чегараси белгиланмаган эди. Яъни 1 ой, ҳатто 1 кун ишлаган фуқарога ҳам, 10 йил иш стажига эга кишига ҳам пенсия ёшига етганда бир хил — энг кам миқдордаги пенсия тайинланар эди. Кўриниб турганидек, бу ижтимоий адолат принципларига тўлиқ мос келмасди. Аслида ким кўпроқ ва самаралироқ меҳнат қилган бўлса, пенсия ёшига етганида шунга яраша роҳатини ҳам кўриши керак. Бир қатор давлатларнинг қонунларида пенсия тайинлаш учун камида 5 йиллик суғурта бадаллари тўланган иш стажи бўлиши белгиланган. Жумладан, АҚШда пенсияга чиқиш учун камида 5 йилдан 10 йилгача иш стажи талаб этилади.

Шу муносабат билан **«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»**ги қонуннинг 8-моддасига ўзгартиш киритилиб, пенсия тайинлаш учун етарлича иш стажига эга бўлмаган шахсларга ёшга доир пенсиялар ушбу қонуннинг 37-моддаси биринчи қисми «а», «б», «в» ва «г» бандларида назарда тутилган камида 5 йил иш стажи мавжуд бўлган тақдирда, бор стажга мутаносиб миқдорда тайинланиши белгиланди.

(Давоми учинчи бетда)

Anjuman

Маъмурий ҳуқуқни такомиллаштириш истиқболлари

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номли маърузасида бугунги кунда сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий муносабатларнинг бутун тизимини модернизация қилиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш бўйича олдимизда турган кенг кўламли вазифалар суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш зарурлигини тақозо этаётгани алоҳида таъкидланди.

Шу маънода Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни ҳар томонлама қайта ишлаш ва янги таҳрирда қабул қилиш ҳам бугунги кундаги долзарб вазифалардандир. Зеро, 1994 йилда қабул қилинган мазкур кодексга ўтган давр мобайнида 60 мартадан кўпроқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Унинг янги таҳрири суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш муносабати билан маъмурий қонунчилик ва жиноий-ҳуқуқий сиёсатда юз берган катта миқёсдаги принципиал ўзгаришларни ўзида тўлиқ акс эттириши лозим.

Бунда, авваламбор, жиноят қонунчилигини тобора либераллаштириш, яъни айрим қонунбузарлик ҳолатларини жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказишни кўзда тутиш зарур. Кодекснинг янги таҳрирда қабул қилиниши бугунги кунда ўнлаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган маъмурий жавобгарликка оид қонунчиликнинг унификациялашувини, яъни бир хиллашувини таъминлайди.

(Давоми иккинчи бетда)

Munosabat

Шахс дахлсизлиги кафолати

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини одил судлов асосида ҳимоя қилиш ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш жамиятнинг демократик тараққиётида муҳим ўрин тутади. Зотан фуқароларнинг адолатга, эртанги кунга бўлган ишончи ортиши уларни жамият ҳаётида фаол иштирок этишга ундайди.

Ўтган давр мобайнида бу борада мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида туб ислоҳотлар амалга оширилганини таъкидлаш жоиз. Жумладан, маъмурий, жиноий ва хўжалик ҳуқуқи соҳаларига оид қонунчилик либераллаштирилди. Одил судлов фаолиятининг сифат ва самарадорлигини ошириш, энг муҳими, миллий тарихий тараққиёт ва жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда суд ҳокимиятининг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, тадбиркорлар, хўжалик юритувчи субъектлар манфаатларини ҳимоя қилишдаги таъсири кучайтирилди. Бунинг самараси ўлароқ, фуқароларнинг суд ҳокимиятига бўлган ишончи тобора ортиб бормоқда.



(Давоми учинчи бетда)

Transmilliy jinoyatchilik

Инсон шаъни улуғ, қадри муқаддас

Маълумки, глобаллашув жараёни бугунги дунё тараққиётида ҳал қилувчи аҳамият касб этиб, кенг имкониятлар, замонавий тезкор ахборот, коммуникацион технологиялар, инновацион янги ғоялар сингари мазмун-моҳият касб этмоқда.

Шунингдек, бундай имконият ва қулайликлардан нохолис ниятли кимсалар ҳам ўзларининг жиноий мақсадларини амалга ошириш йўлида усталик билан фойдаланаётгани ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишлантираётган трансмиллий жиноятлар глобал муаммо сифатида ҳамон дунё халқларининг тинч-осойишта ҳаётига хавф солиб турибди. Бошқача айтганда, трансмиллий жиноятлар сирасига кирувчи одам савдоси ақли расо ҳар бир кишини жиддий ташвишга соладиган муаммолардан бирига айланиб улгурди. Бу жиноий қилмишнинг турли кўринишларидан дунёнинг барча мамлакатлари қайсидир даражада жабр кўрмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ушбу жиноий қилмишга қарши курашиш борасида халқаро миқёсдаги таъсир чораларини янада кучайтиришни тақозо этмоқда.

Айтиш керакки, иқтисодий жиҳатдан қолоқ, табиий офатлар гирдобида қолган ва ҳозирда глобал иқтисодий инқироз домига юз тутган давлатларда бундай жиноят тез илдиз отади. Масалан, Гаитида юз берган кучли зилзила оқибатида қарийб 200 мингдан зиёд одам қурбон бўлди, турли даражада тан жароҳати олганлар эса ундан-да кўп. Умуман айтганда, кутилмаганда рўй берган табиий офат ушбу мамлакатнинг иқтисодиётини бутунлай издан чиқариб юборди. Гарчи, жаҳон ҳамжамияти томонидан зилзиладан азият чеккан фуқароларга ўз вақтида ёрдам кўрсатилаётган бўлса-да, жойларда талон-торожлик, бошбошдоқлик авж олди.

(Давоми иккинчи бетда)

Аввало шуни айтиш керакки, кредит деганда, ўз эгалари қўлида вақтинча бўш турган пул маблағларини бошқалар томонидан маълум муддатга ҳақ тўлаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиқадиган муносабатлар тушунилади. Бундай муносабатлар ёзма шаклда тузиладиган кредит шартномаси билан тартибга солинади. Эътиборли томони шундаки, кредит шартномасининг ёзма шаклда тузилмаслиги унинг ҳақиқий эмас деб топилишига олиб келади.

Huquqiy ma`rifat

Кредит шартномаси

унда белгиланган мажбурият тўлиқ бажарилса, кўзланган мақсадга эришилади

Амалдаги Фуқаролик кодексининг 744-моддасига биноан, кредит шартномаси бўйича бир тараф, яъни банк ёки бошқа кредит ташкилоти иккинчи тараф (кредит олувчи)га шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари бериш, қарз олувчи эса олинган пулни қайтариш ва фоизларини тўлаш мажбуриятини олади. Шартнома иштирокчиларининг ушбу мажбуриятларни лозим даражада адо этиши билан, одатда, кредит шартномасини тузишдан кўзланган мақсадга эришилади. Аммо у ёки бу тарафнинг айби билан кредит шартномаси шарти бажарилмай қоладиган ҳолатлар ҳам учраб туради.

(Давоми иккинчи бетда)

Burch va majburiyat

Ҳалолликда ҳикмат кўп

Оқилона солиқ сиёсатини юритиш нафақат давлатимизнинг равнақи, балки фуқароларнинг турмуш тарзини фаровонлаштириш учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, солиқлар айни шу мақсадлар учун жорий этилади ва уларни тўлаш ҳар бир фуқаронинг конституциявий бурчидир.



Солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш эса, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар сирасига киради. Бундан ташқари солиқ тўлашдан бош тортиш бошқа жиноятларни содир этиш, масалан, яширин иқтисодиёт шаклланиши учун замин яратади.

Қонунчиликда «солиқ тўлашдан бошқача усулда бўйин товлаш» тушунчаси ҳам мавжуд бўлиб, бунинг маъноси — нарсаларнинг ҳақиқий ҳолатини қасддан ўзгартириш, солиқ органларига била туриб, нотўғри ахборот беришнинг турли усулларини қўллаш, тўланадиган солиқ ҳажмини камайтириш мақсадида маълум факт, ҳолат, ҳодисалар борасида янглиштиришдир.

Солиқ ёхуд бошқа мажбурий тўловлардан бўйин товлаш жинояти турлича, аксарият ҳолларда тўланаётган солиқ турига боғлиқ равишда содир этилади. Хусусан, буларга солиқ органларига солиқ тўлаш объектлари ҳақида ҳисобот ҳужжатларини бермаслик, имконият мавжудлигида мажбурий тўловларни тўламаслик, солиқ органларида рўйхатга қўймаслик кабилар киради. Мазкур жиноятни содир этиш услублари уни квалификация қилишга таъсир қилмайди. Бироқ, шуни назарда тутиш лозимки, изоҳланаётган жиноятнинг содир этилиши мустақил қилмиш, деб тан олиниши ва алоҳида квалификация қилишни талаб этиши мумкин.

(Давоми иккинчи бетда)

Anjuman

Маъмурий ҳуқуқни такомиллаштириш истиқболлари

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўришнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш, демократлаштириш, бу соҳада қонунийликни таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоялаш бўйича чоралар ҳам мазкур кодексда ўзининг аниқ ифодасини топиши лозим.

Пойтахтимизда Олий суд, Олий суд ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот Маркази ва Германиянинг Фридрих Эберт жамғармаси минтақавий ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган **«Ўзбекистон Республикаси маъмурий ҳуқуқининг ривожланиш истиқболлари»** мавзуига бағишланган халқаро семинарда шу ҳақда гап борди.

Олий суд раисининг ўринбосари Ш.Раҳмонов, Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази директори Ж.Ҳайдаров ва бошқалар Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъекти сифатида одил судловни таъминлашда халқаро принцип ва стандартларга қатъий риоя этиб келаётганини алоҳида таъкидладилар.

2001 йил 29 августда қабул қилинган **«Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги қонуннинг ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётгани инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир. Жиноят қонунчилигини либераллаштириш доирасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

— Ўзбекистон суд-ҳуқуқ соҳасида жуда кўп ижобий ўзгаришлар амалга оширилган, — **дейди Гамбург маъмурий суди судьяси Герд Велинг (Германия).** — Ўлим жазосининг бекор қилингани тарихий воқеадир. Чунки айрим ривожланган давлатлар ҳали бу босқичга етиб кела олгани йўқ. Жиноий жазоларни либераллаштириш изчил давом эттирилаётгани ҳам эътиборга лойиқ. Бу жараёнда инсон манфаати таъминланиши билан бир қаторда жиноятларнинг олдини олиш, улар сонини камайтиришга эришилаётгани унинг самарадорлигини кўрсатиб турибди. Айниқса, ярашув институти жорий этилгани инсонпарварлик тимсоли бўлиб, унинг тарбиявий аҳамияти жуда катта. Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Концепция асосида рўй бераётган ўзгаришлар, халқаро ҳуқуқ талаблари асосида қонунчиликнинг янада такомиллаштирилаётгани соҳани янги босқичга кўтаради.

Анжуманда соҳа мутахассислари маъмурий низоларни жиноят ишлари бўйича судларда кўриш тизимини такомиллаштириш, тегишли халқаро стандартларни Ўзбекистон амалиётига татбиқ этиш имкониятлари, бу соҳада меъёрий ҳуқуқий базани ва суд фаолиятини янада ривожлантириш масалалари бўйича фикр-мулоҳаза алмашдилар.

Анжуманда иштирок этган экспертларнинг фикрича, амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган барча саъй-ҳаракатлар инсонпарварлик тамойилларига асосланган демократик ҳуқуқий давлат қуриш, мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятидаги обрў-эътиборини янада юксалтириш, фуқароларнинг Конституцияда кафолатланган ҳуқуқлари тўлиқ таъминланишига хизмат қилади.

Республика Бош прокуратураси, ички ишлар ва адлия вазирликлари вакиллари, судьялар, олимлар ва халқаро экспертлар иштирок этган ушбу тадбирда маъмурий ҳуқуқни такомиллаштириш юзасидан амалдаги қонунчиликка халқаро ҳуқуқ меъёрларидан келиб чиқиб тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Н.АБДУРАИМОВА

Islohot va samara

Ислоҳотлар халқимиз фаровонлигининг юксалишига хизмат қилмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мазкур дастурнинг қабул қилиниши аҳолига, айниқса, тадбиркорларга кенг имкониятлар яратиши шубҳасиз. Зеро, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига қаратилаётган катта эътибор янги иш ўринлари ташкил этишда муҳим омил бўлаётир. **«2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури»**нинг прогноз параметрлари вақтинча ишламаётган фуқароларни, меҳнат бозорига биринчи марта чиқаётган ёшларни ва иқтисодиётдаги таркибий қайта ўзгартиришлар натижасида бўшаётган ходимларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларига бўлган эҳтиёжни баҳолаш, шунингдек, мавжуд эҳтиёжни тўлиқроқ қондириш учун янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича барча мавжуд имконият ва захиралардан келиб чиқиб белгилангани алоҳида аҳамиятга эга. Мамлакатимизда 2011 йилда касб-ҳунар коллежларини 450 мингдан ортиқ йигит-қизлар тамомлайди. Бу эса уларни иш билан таъминлаш масаласи устувор вазифа эканидан далолатдир. Дастурнинг яна бир муҳим жиҳати касб-ҳунар коллежларини тамомлаган ёшларимизнинг меҳнат бозорида ўз ўринларини топишларида кўмаклашади.

Дастурнинг асосий йўналишлари ва прогноз параметрлари, биринчи навбатда, мамлакатимизнинг ҳар бир вилоят, туман ва шаҳарларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб ишлаб чиқилган бўлиб, бунда аҳоли зичлиги ва ишсизлик даражаси, меҳнат бозорига кириб келаётган ёшлар сони, иш ўринларини ташкил этишнинг барча имконият ва захиралари эътиборга олинган. Айни пайтда бу Инқирозга қарши чоралар дастурига ҳамоҳанг бўлиб, бир томондан, аҳолини иш билан таъминлаш масалаларининг муваффақиятли ҳал этилишига имкон яратса, иккинчи томондан, инқирозга қарши чораларнинг самарали ижро этилишига ҳам хизмат қилади. **«2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури»**нинг қабул қилиниши катта қўшимча капитал маблағ талаб қилмайдиган иш ўринларини кўпайтириш захираларини янада тўлиқроқ сафарбар этишни назарда тутади. Кичик бизнеснинг ролини оширишга, хизмат кўрсатиш соҳасини, ишлаб чиқариш,



ижтимоий ва бозор инфратузилмасини устувор тарзда ривожлантиришга, шунингдек, касаначилик ва ҳунармандчилик каби бандликнинг самарали шаклларини янада ривожлантиришга кенг йўл очади. Дастур аҳоли бандлигини таъминлашга йўналтирилган халқаро стандартлар талабларига, Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган Халқаро меҳнат ташкилотининг Бандлик сиёсати ҳақидаги конвенцияси, Иш жойлари ҳақидаги глобал Пакти, Касаначилик тўғрисидаги конвенция тамойилларига тўлиқ мос келади.

Меҳнат бозорини тартибга солишдаги муҳим ва самарали тадбирлардан бири бу — бўш иш ўринлари ярмаркаларини ташкил этишдир. Шу мақсадда шаҳар ва туманларда иш қидирувчилар ва иш берувчиларни жалб этган ҳолда мингдан ортиқ бўш иш ўринлари ярмаркалари ташкил этилиши кўзда тутилган. Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар натижасида корхона ва ташкилотларда ишловчиларнинг муайян қисми иш жойларини йўқотиб, шу ҳудуд меҳнат бозорида ўз мутахассисликлари бўйича иш топа олмаса, уларни янги ишга жойлашиш имконини берадиган касбларга ўқитиш ва ўргатиш ишларини амалга ошириш чоралари ҳам белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, 2011 йил – **«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»**да **«2011 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури»**нинг изчил амалга оширилиши юртимиз тараққиёти учун катта аҳамиятга эга бўлиб, аҳоли бандлигини таъминлаш ва халқимиз турмуш даражасини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Отабек МИРЗАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими

Burch va majburiyat

Ҳалолликда ҳикмат кўп



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Масалан, акцизсиз савдо фаолиятини амалга оширишда, устав фаолиятини амалга оширмасликда, рўйхатдан ўтмасдан савдо қилишда ёхуд воситачилик фаолияти билан шуғулланишда қилмишни жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиш лозим.

Жиноят кодексининг 184-моддаси диспозициясига биноан солиқларни тўлашдан бўйин товлаш ҳаракатда, шунингдек, ҳаракатсизликда ҳам ифодаланиши мумкинлигидан, аммо фақат қасддан содир этилишидан келиб чиқиб тергов органлари ва судлар ҳар бир иш бўйича солиқ тўлашдан бўйин товлаётган шахснинг мақсадини ва ҳақиқий ниятини аниқлашга мажбурдирлар. Хизмат вазифаларига совуққонлик билан муносабатда бўлиш оқибатида ҳисобни ёки ҳисоботни чалкаштириб юбориш, фойдани ҳисоблашда хатога йўл қўйиш ҳолатларининг ўзинигина Жиноят кодексининг 184-моддаси билан квалификация қилиш мумкин эмас. Лекин тегишли асослар бўлган тақдирда Жиноят кодексининг 207-моддасида кўзда тутилган мансаб совуққонлиги жиноятининг таркибини ташкил этади.

Буни жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти, туман ва шаҳар судлари фаолиятида ҳам кўришимиз мумкин. Жумладан, судланувчи Раҳматулла Йўлчиев 2007 йилнинг май ойидан «Туркистон-Порлоқ» масъулияти чекланган жамияти бошқаруви раиси лавозимида ишлаб келиб, жамият бош ҳисобчиси Сафарали Жўрабоев билан жиноий тил бириктирган. Улар Солиқ кодексининг 360-моддаси ҳамда Адлия вазирлигида 924-1 сон билан рўйхатга олинган «Чорак ва йиллик молиявий ҳисоботларни топшириш муддатлари ҳақида»ги Йўриқноманинг 2-банди, 4-бўлими талабларини қўпол равишда бузишган. Аниқроғи, Зангиота тумани давлат солиқ идорасига 2006-2009 йиллар бўйича жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан ҳисобот топширмасдан, давлатга тўланиши лозим бўлган 30.799.800 сўмлик мол-мулк солиғини ҳамда бошқа солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаб келишган.

Суд Р.Йўлчиев ва С.Жўрабоевнинг жиноий қилмишларини Жиноят кодексининг 184-моддаси 3-қисми билан квалификация қилиб, улар томонидан етказилган моддий зарарнинг 28.786.700 сўми тўланганлигини инобатга олди ва уларга нисбатан кодекснинг 57-моддасини қўллаб, ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ундириш шарти билан бир йил муддатга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Бошқа бир ҳолатда Абдуваҳоб Маманов 2008 йилнинг 11 ноябридан Бекобод шаҳридаги «Метпром» кичик корхонасининг ижрочи директори лавозимида ишлаб келиб, муқаддам судланганлигидан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмасдан яна жиноий қилмишга қўл урди. А. Маманов раҳбарлик қилаётган кичик корхона Тошкент вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси буюртмасига асосан Бекобод туманида қурилиши лозим бўлган 615 ўринли «Агросервис ва иқтисодиёт» касб-ҳунар коллежи қурилишини танлов асосида ютиб олиб, 2009 йилнинг январь ойидан қурилиш-монтаж ишларини бошлаб юборган. У корхона бош ҳисобчиси Мирзазокир Сирожиддинов билан жиноий тил бириктириб, гўёки биринчи ва иккинчи чорак давомида «қурилиш-монтаж ишлари бажарилмади» деб Бекобод шаҳар давлат солиқ инспексиясига ҳисобот тақдим қилиб, корхона томонидан 80.913.700 сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаган. А.Маманов давлат томонидан ажратилган пулларга коллеж қурилиши учун ишлатилиши лозим бўлган товар-моддий бойликларни харид қилиб, омборчи Мирзарашид Сирожиддинов билан уларни ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож этишни кўзлаб, жиноий тил бириктиради. Натижада 11.661.021 сўмлик қурилиш материалларини ўзлаштириб юборади. Шунингдек, бош ҳисобчи билан тил бириктириб бажарилмаган ишларни бажарди, деб кўрсатиб, сохта маълумотлар тўплаб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилади. Бунинг натижасида 25.707.075 сўмлик ишларни бажарганлиги ҳақида счёт-фактура маълумотномасида кўрсатиб, Давлат комиссиясига объектни қабул этиш учун тақдим этади ва пулларни ўзлаштириб эҳтиёжлари учун ишлатиб юборади.

Суд А.Маманов, М. Сирожиддинов ва М. Сирожиддиновларни Жиноят кодексининг 184-моддаси 3-қисми, 167-моддаси 3-қисми «а» банди ва 227-моддаси 2-қисми «а,б» бандлари билан айбли топиб, уларга ушбу моддалар санкциясида кўрсатилган жарима жазосини тайинлади.

Кўриниб турибдики, белгиланган солиқлардан бўйин товлаб, даромад топишга уринган кимсалар қилмишига яраша жазога тортилди. Ҳа, ҳақиқат эртами-кечми барибир ойдинлашади. Уни хаспўшлашга уриниб, давлатнинг, халқнинг ризқига чанг солиш изсиз кетмайди. Бунинг ўрнига яратилаётган имконият ва имтиёзлардан тўғри фойдаланиш, ҳалол тадбиркорлик қилиш ҳам даромад, ҳам обрў-эътибор олиб келишини унутмаслик лозим. Зеро, халқимиз ҳалолликда ҳикмат кўп, деб бежиз айтмаган.

Мансур АХМЕДЖАНОВ,
жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг раиси

Huquqiy ma`rifat

Кредит шартномаси

унда белгиланган мажбурият тўлиқ бажарилса, кўзланган мақсадга эришилади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу боис ҳам кредит шартномаси тузилаётган пайтда томонлар ўзларининг манфаатларини кафолатлаш мақсадида мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайдиган усуллардан фойдаланишади. Фуқаролик қонунчилигида бундай усуллар сирасига неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закалат сингарилар кириши кўрсатилган.

Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда судлар томонидан мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларининг бир хилда қўлланилишига эришиш мақсадида Олий суд ва Олий хўжалик суди қўшма Пленумининг 2006 йил 22 декабрда **«Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»**ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорда кўрсатилишича, банк ёки бошқа кредит ташкилоти ва қарз олувчи ўртасида кредит шартномасидан келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабат кредит ташкилотининг кейинчалик келишилган муддатларда кредит бериш (кредит линиясини очиш) мажбуриятини ва қарз олувчининг олинган кредитни қайтариш ва у бўйича фоизларни тўлаш мажбуриятини ўз ичига олади. Шу муносабат билан судлар кредит ташкилотлари ва қарз олувчиларнинг тарафларни кредит шартномасини бажаришга мажбурлаш тўғрисидаги даъволарини кўришда ушбу шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келган пайтни инобатга олиши лозим. Зеро, тарафларнинг шартнома ижросидан воз кечишига Фуқаролик кодексининг 745-моддасида белгилаб қўйилган асослар бўйича йўл қўйилади. Яъни кредитор қарз олувчини тўловга қобилиятсиз деб ҳисобласа, қарз олувчи кредитни таъминлаш мажбуриятларини бажармаса, шартномада назарда тутилган кредитдан аниқ мақсадда фойдаланиш мажбуриятини бузса, шунингдек, шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда қарз олувчига кредит шартномасида назарда тутилган кредитни беришдан бутунлай ёки қисман бош тортишга ҳақли.

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича судлари томонидан кўриб чиқилган кредит шартномаси билан боғлиқ низолар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳаётда кредит шартномасида белгиланган мажбуриятларни бир томонлама бажармаслик ҳоллари ҳам учраб туради. Масалан, даъвогар Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Қорақалпоғистон ҳудудий филиали манфаатини кўзлаб, жавобгарлар Г.Ҳамзаева ва Г.Ҳамидуллаевга нисбатан кредит шартномасини бекор қилиш, асосий қарз ва ҳисобланган фоизларни ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан мурожаат этган. Суд ишни ҳар томонлама кўриб чиқиб даъвони қаноатлантиришни лозим топди. Негаки, иш ҳолатларига қараганда, даъвогар «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Қорақалпоғистон ҳудудий филиали билан жавобгар Г.Ҳамзаева ўртасида кредит шартномаси тузилган бўлиб, ушбу шартнома бўйича банк қарздорга уч йил муддатга 14 фоиз устама тўлаш шарти билан 1.600.000 сўм кредит берган. Кредитнинг қайтарилишини таъминлаш мақсадида даъвогар «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Қорақалпоғистон ҳудудий филиали билан жавобгар Г.Ҳамидуллаев ўртасида кафиллик шартномаси тузилган. Аммо жавобгар Г.Ҳамзаева кредит қарзларини ўз вақтида қайтармай, шартнома талабларини бузган.

Фуқаролик кодексининг 382-моддаси 2-қисмида иккинчи томон шартномани қўпол равишда бузса, тарафлардан бирининг талаби билан шартнома суд томонидан бекор қилиниши кўрсатилган. Шунингдек, ушбу кодекснинг 293-моддасида қарздор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кафил ва қарздор кредитор олдида солидар тартибда жавобгар бўлиши белгиланган. Шу сабабли, суд даъвогар «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Қорақалпоғистон ҳудудий филиали ва жавобгар Г. Ҳамзаева ўртасида тузилган кредит шартномасини бекор қилишни ва жавобгарлар Г. Ҳамзаева ва Г.Ҳамидуллаевдан «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Қорақалпоғистон ҳудудий филиали фойдасига кредит қарзларини солидар тартибда ундиришни лозим топди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш кераккки, кредит шартномаси тузишдан кўзланган асосий мақсад — кредит берувчи ва кредит олувчининг фаолиятини янада ривожлантиришдан иборатдир. Бунда кредит шартномаси шартлари ва қонун ҳужжатларига сўзсиз амал қилишгина шартноманинг тўлиқ бажарилишини таъминлайди.

Камол ТАРИХОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судининг судьяси

Transmilliy jinoyatchilik

Инсон шаъни улуғ,

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бундай бошболдоқликдан «унумли» фойдаланган айрим жиноий гуруҳлар Гаитидан ёш болаларни ноқонуний равишда бошқа ҳудудларга олиб ўтишга урина бошлади.

Ана шундай гуруҳлардан бири 25 нафар гўдакни ҳеч қандай ҳужжатсиз қўшни мамлакатга олиб чиқиб кетаётганда чегара назоратчилари томонидан қўлга олинди. Улар ўзларини гўё аҳолига озиқ-овқат тарқатиш, тиббий муолажалар кўрсатиш учун келгандек тутишган, аслида мақсад — нотинч вазиятдан фойдаланиб, одам савдосидан катта даромад олиш бўлган.

Шу сабабли дунёдаги ҳар бир давлат бу хавфдан ҳимояланишнинг қатъий чораларини кўриши, шу йўналишдаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, конвенцияларга қўшилиши ҳам ҳаётий, ҳам ижтимоий-сиёсий зарурат даражасига кўтарилди.

Аслини айтганда, одам савдоси жинояти инсон ҳуқуқларини поймол этишнинг энг қадимий кўриниши ҳисобланади. Инсоннинг жисмоний ва маънавий меҳнатидан фойдаланиш баробарида уни моддий манбага айлантириб сотиш ибтидоий жамоа давридан бошланган. Инсоният тараққиётида ҳамиша ушбу муаммо жамиятнинг оғриқли нуқтаси ҳисобланиб келган.

Одам савдоси жиноятчилиги муаммосини ҳал этишга қаратилган биринчи халқаро ташкилот 1839 йилда тузилган. Ушбу ташкилот қулчиликка қарши бир қатор ишлар олиб бориб, муайян вақт фаолият кўрсатган. Кейинчалик гуманизм тушунчасига бўлган эътибор одам савдосига қарши курашиш ишларини жадаллаштирди. Айниқса, БМТ ташкил топгандан сўнг бу борада сезиларли ишлар олиб борилди. БМТ томонидан қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»да бу масалага алоҳида эътибор қаратилди.

БМТ томонидан 1949 йилда «Инсонлар савдоси таҳдиди ва фоҳишабозликда эксплуатация», 1950 йилда «Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши курашиш тўғрисида»ги Конвенция, 2000 йил 15 ноябрдаги резолюция билан қабул қилинган «Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида»ги Конвенциялари қабул қилинди.

Истиқлол шарофати туфайли юртимизда ҳар бир инсон ўз қадр-қимматига муносиб тарзда озод ва эркин яшаш, меҳнат қилиш, ўз меҳнати натижаларидан манфаатдор бўлиш, барча ҳуқуқ ва эркинликларидан дахлсиз равишда фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

Мамлакатимизда трансмиллий жиноятлар, жумладан, одам савдосига қарши курашиш ва унинг олдини олиш юзасидан кўрилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар, яратилган ҳуқуқий асосларда ҳам ана шу мустаҳкам тамойилларнинг амалий ифодалари мавжуд. Шуни таъкидлаш жоизки, миллий қонунчилигимизнинг одам савдосига қарши курашиш ва унинг олдини олишга оид меъёрлари умумэътироф этилган халқаро ҳужжатларга тўлиқ мос келади.

Ўзбекистон одам савдосига қарши курашишга оид қатор халқаро ҳуқуқ меъёрларини миллий қонунчиликка имплементация қилишга доир тадбирларни амалга оширди. Шу ўринда 2008 йил 8 июлда **«Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Протоколини ратификация қилиш тўғрисида»**ги қонун қабул қилинганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

2008 йил 17 апрелда қабул қилинган **«Одам савдосига қарши кураш тўғрисида»**ги қонунга мувофиқ, одам савдоси жинояти билан шуғулланувчи шахслар жавобгарлигининг муқаррарлиги, одам савдосидан жабрланганларнинг камситилишига йўл қўймаслик, ижтимоий ҳамкорлик одам савдосига қарши курашишнинг асосий принциплари сифатида белгиланди. Мазкур қонунга биноан давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, корхоналар, муассасалар, мансабдор шахслар, шунингдек, фуқаролар ҳам одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашиши ҳамда зарур ёрдам кўрсатиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 16 сентябрдаги қонуни билан Жиноят кодексининг 135-моддаси янги таҳрирда баён қилинди.

Одам савдосига оид қонунчиликни қўллаш масалалари юзасидан ҳамда бу тоифадаги ишлар бўйича ягона суд амалиётини шакллантириш мақсадида Олий суд томонидан 2009 йил 24 ноябрда **«Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»** Пленум қарори ҳам қабул қилинди.

Yangi qonun mohiyati

Пенсия таъминоти тизими

соҳага оид қонунчилик янада такомиллаштирилди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Умри бўйи ишламаган, талаб этилаётган 5 йиллик иш стажига эга бўлмаган фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 июндаги 319-сонли қарорида белгиланган тартибда амалга оширилади. Яъни мазкур қарорда болаликдан ногиронларга, меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга ҳамда зарур иш стажига эга бўлмаган қарияларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби белгиланган.

Мамлакатимиз қонунчилигида аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашни мустаҳкамлашга қаратилган қатор имтиёзлар белгиланган. **«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»**ги қонуннинг айрим моддаларига киритилган ўзгартишларга мувофиқ, имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқига эга фуқаролар тоифаси ҳам назарда тутилган.

Мамлакатимиз таълим ва тиббиёт соҳасида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасида мазкур соҳалар ходимларининг иш ҳақи муттасил равишда ошириб борилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг фармон ва қарорларига биноан замон талаблари асосида иш юритадиган илғор ходимларни моддий рағбатлантириш тизимининг жорий қилиниши амалда ўзининг юксак самарасини бермоқда. Мамлакатимиздаги барча таълим ва тиббиёт масканлари замонавий техника, технологиялар ва жиҳозлар билан таъминланмоқда. Иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилиши натижасида барча соҳаларда меҳнат унумдорлиги ўсиши ва даромадларнинг кескин ошишига эришилмоқда. Мамлакатимизда эришилаётган бундай юксак самара ва ютуқлар **«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»**ги қонуннинг 12-моддаси «з», «к» ва «л» бандларини қайта кўриб чиқишни тақозо этди. Мазкур бандларда ўқитувчилар ва таълим соҳасининг бошқа ходимлари, шифокорлар ва бошқа тиббий ходимлар, шунингдек, беш ва ундан ортиқ фарзанд туққан ва уларни саккиз ёшгача тарбиялаган аёллар учун имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқи назарда тутилган эди.

Қонунга киритилган ўзгартишларда имтиёзли тоифалар оптималлаштирилиб, муассасалар тури бўйича имтиёзлар умумтаълим мактабларидан махсус ихтисослашган мактабларга ўтказилди ҳамда барча турдаги тиббиёт муассасалари ўрнига иш шароити оғир ва зарарли махсус ихтисослашган тиббиёт муассасалари ходимлари учун сақлаб қолинди. Шунингдек, қонунга киритилган янги таҳрирга биноан транспорт соҳасининг темир йўл транспорти, метрополитен ҳамда дарё транспорти ходимларига белгиланган имтиёзлар сақлаб қолинди.

Мамлакатимизда аҳолининг кам таъминланган қатламлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, ногиронларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ва изчил ишлар амалга оширилмоқда. Қонунларимизда белгиланган имтиёзлар орқали ногиронларнинг жамият ҳаётида тўлақонли иштирок этиши учун кенг имконият ва шарт-шароитлар яратилмоқда. Бироқ орамизда бундай юксак эътибор ва ғамхўрликдан зарурат бўлмаган ҳолларда фойдаланаётганлар ҳам учраб туриши сир эмас.

Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг маълумотларига кўра, ҳозирда мамлакатимизда III гуруҳ ногиронлик пенсияси олаётганлар ногиронлар умумий сонининг 19,9 фоизини ташкил этади. Хўш, III гуруҳ ногирони ўзи ким? Маълумки, III гуруҳ ногиронларининг аксарияти иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият юритади. Бошқача айтганда, меҳнат қилишга қодир фуқаролардир. Улар орасида саломатлигида арзимаган нуқсони бор, лекин муайян соҳаларда бемалол меҳнат қилишга ярайдиган, аммо «йўлини топиб» ногиронлик пенсиясига «чиқиб олган» шахслар ҳам учраб туради. Булар пенсия миқдорининг сўнгги 5 йилда 5,6 маротаба ўсишига олиб келди.

Қайд этиш лозимки, жаҳон амалиётида ногиронлик фақат икки тоифага бўлинади — меҳнатга умуман лаёқатсизлик ва меҳнатга қисман лаёқатсизлик. Австрия, Бельгия, Дания, Италия, Канада, Норвегия, Португалия ва Франция каби давлатларда меҳнатга лаёқатлилик сезиларли даражада пасаймаган ҳолатларда, асосий эътибор ногиронларнинг жамиятда тўлақонли реабилитация қилинишини, масалан, даволанишни рағбатлантиришга қаратилади. Бунда умумий касалликлар туфайли ногиронлик бўйича пенсия тўланиши назарда тутилмайди. Пенсия меҳнат қобилияти 50-70 фоиз ва ундан кўпроқ чекланган ҳолларда тўланади. Жаҳоннинг аксарият давлатларида қўлланилаётган бундай талаблар мамлакатимизда амалда бўлган таснифлаш бўйича ногиронликнинг I ва II гуруҳларига тўғри келади.

Шу боис, қонуннинг янги таҳririга асосан, 2011 йил 1 январдан янги белгиланадиган III гуруҳ ногиронларига пенсия тайинлаш бекор қилинди. Айни пайтда, мазкур гуруҳ ногиронлари учун квоталар асосида ишга жойлашиш ва уларни бепул тиббий анжомлар билан таъминлаш бўйича қонунчиликда белгиланган имтиёзлар тўлиқ сақлаб қолинди.

Ишлаётган пенсионер билан иш берувчи ўртасида тузиладиган меҳнат шартномаси бўйича қонунчилигимизга киритилган ўзгартиришлар ҳақида ҳам тўхталадиган бўлсак, аввало шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур қонунга мувофиқ ходимнинг пенсия ёшига етиши муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқини иш берувчига бериш, ногиронлик гуруҳлари бўйича пенсия тайинлаш ҳамда ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътил даврида меҳнат стажини ҳисоблаш масалаларини тартибга солувчи қонун нормаларининг такомиллаштирилиши, ўз навбатида, Меҳнат кодексига ҳам тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни тақозо этди.

Қонунга асосан, Меҳнат кодексининг 100-моддаси (Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш) иккинчи қисмини янги 7-банд («ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги, бунда қонунчиликка мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлганда») сўзлари билан тўлдирилди.

Бундан мақсад — мамлакатимизда жадал жорий этилаётган ва алоҳида тайёргарликни талаб этадиган замонавий ахборот ва ишлаб чиқариш технологияларига ходимларнинг кўникма ва тайёргарлигини ошириш, пенсия олувчиларнинг жисмоний имкониятига меҳнат вазифаларининг мос келишини таъминлаш ва улар учун меҳнат фаолиятининг мақбул шароитларини яратишдан иборатдир. Бунда пенсия ёшига етган ходимларнинг меҳнат қилиши учун мақбул шароитларни яратиш, зарур ҳолларда уларни енгилроқ вазифаларга ўтказиш, шунингдек, меҳнатга оид муносабатларни бошқаришни такомиллаштириш назарда тутилган.

Қонунчилигимизга киритилган ушбу ўзгартишлар фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти масалаларини ҳамда меҳнатга оид муносабатларни тартибга солувчи амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш, илғор хорижий тажриба ва бозор иқтисодиёти тамойилларига мослигини таъминлаш, пировардида пенсия таъминотида ижтимоий адолат принципларини кучайтириш, юқори маош олиб ишлаган фуқароларга мутаносиб миқдорда пенсиялар тайинлаш имкониятларини яратиш ва пенсиялар миқдорини устувор тарзда оширишга хизмат қилади.

Эркин НАЖМИДДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими

Munosabat

Шахс дахлсизлиги кафолати

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Айниқса, Президентимизнинг 2005 йил 8 августдаги **«Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»**ги Фармони асосида қабул қилинган **«Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги қонун қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тартибини белгилаб берди. Шунингдек, Олий суд Пленумининг 2007 йил 14 ноябрда қабул қилинган **«Судга қадар иш юритиш босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида»**ги қарорида ҳам бу тартиб-таомиллар тушунтирилган.

Жиноят процессуал кодексининг янги таҳрирдаги 243-моддасида белгиланишича, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома жиноят содир қилинган ёки дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ, ҳудудий ҳарбий судининг судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилади. Мазкур илтимоснома ёпиқ суд мажлисида 12 соат ичида, лекин шахсни ушлаб туриш муддатидан кечиктирилмай кўриб чиқилиши шарт. Агар суднинг белгиланган муддат ичида илтимосномани кўриб чиқишга имконияти бўлмаса, муддат тугаши билан ушлаб турилган шахс дарҳол озод этилиши лозим.

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши қонунчиликда янги ҳуқуқий институт ҳисобланиб, мазкур босқичда айбланувчи (гумонланувчи) билан бир қаторда томонлар — прокурор, адвокатнинг иштирок этиши тўлиқ таъминланади.

Умуман айтганда, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши билан боғлиқ қонун ҳужжатлари, аввалambор, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, халқаро ҳуқуқ меъёрларига тўлиқ мос келади. Бу суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида судгача бўлган тергов босқичида фуқароларнинг ҳуқуқларини ишончли муҳофаза этиш, яъни фуқароларнинг шахсий дахлсизлигини конституциявий кафолатлашга хизмат қилаётир.

Ҳамидулла ҚУДРАТОВ,
Тошкент ҳарбий округи ҳарбий судининг раиси

Газетхон савол беради...

Muloqot

— Мен ҳозирда университетда стажёр-тадқиқотчи-изланувчиликни ўтаяпман. Ушбу ўқиш даври ҳам меҳнат стажига кирадими?

Г. ҒУЛОМОВ,
Тошкент шаҳри

— «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, олий таълим муассасаларида, стажёр-тадқиқотчи-изланувчилик, кичик илмий ходим-изланувчиликда ва клиник ординатурада кундузги ўқиш, жумладан, чет элда ўқиш ҳам иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўрта махсус ўқув юртларида, кадрлар тайёрлаш, малака ошириш ва янги ихтисосни ўрганиш мактаблари ва курслари бундан мустасно.

— Фуқаролик ҳолати далолатномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун қонунчилигимизда қандай жавобгарлик белгиланган?

Л. ЮСУПОВА,
Навоий шаҳри

— Ҳа, бунинг учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 230-моддасида қайд этилишича, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларига атайин ёлғон маълумотлар бериш ёки тегишли органларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган фуқаролик ҳолати далолатномалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этмаслик фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса бир бараваридан икки бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

— Декларант нима? Товарларни олиб ўтишда у қандай вазифани бажаради?

Н. ЗИЁДОВ,
Қўқон шаҳри

— Божхона кодексининг 99-моддасига мувофиқ, товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтувчи шахс ёки божхона брокери декларант бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида юридик ва жисмоний шахс декларант бўлиши мумкин, жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали нотижорат мақсадларда товарлар олиб ўтиш ҳоллари ва божхона органлари белгилайдиган бошқа ҳоллар бундан мустасно.

Декларант, у божхона чегараси орқали товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтувчи шахс ёки божхона брокери бўлишидан қатъий назар, қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча вазифаларни бажаради ва тўлиқ жавобгар бўлади.

Саволларга юридик фанлари номзоди Саломат НИЁЗОВА жавоб берди

Maslahat

Махфий васиятнома

у қандай тартибда расмийлаштирилади?

Нотариал ҳаракатларни амалга оширишда васиятномаларни тасдиқлаш ҳам алоҳида ўрин тутади. Маълумки, васият деганда, Фуқаролик кодексининг 1120-моддасида таърифланганидек, фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқни вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш-иродаси тушунилади. Шу ўринда хўш, васиятнинг махфийлиги нимадан иборат, бундай васият қандай расмийлаштирилади? Бунда нотариус нималарга эътибор қаратиши керак, деган саволлар туғилади. Қуйида ана шулар ҳақида фикр юритамиз.

Аввало шуни айтиш керакки, васиятномалар икки турга бўлинади: оддий васиятнома ва махфий васиятнома. Фуқаролик кодексининг 1125-моддаси тўртинчи бандида «Васият қилувчининг хоҳишига кўра, васиятнома нотариус томонидан унинг мазмуни билан танишиб чиқилмасдан (махфий васиятнома) тасдиқланади», деб белгиланган. Шу боис бундай васиятнома махфий васиятнома ҳисобланади. Шу ўринда яна бир масалага эътибор қаратиш керак. Ҳамма нотариал ҳаракатлар каби оддий васиятномаларни расмийлаштириш билан боғлиқ маълумотларни ошкор қилишга ҳеч ким, шу жумладан, нотариус ҳам ҳақли эмас ва у сир сақланиши лозим. Бу ҳақда Фуқаролик кодексининг 1128-моддасида қайд этилган.

Ушбу кодекснинг 1125-моддаси бешинчи бандида махфий васиятномани расмийлаштириш тартиби белгиланган. Унга кўра, махфий васиятномани васият қилувчи ҳақиқийлигига шубҳа туғдирмайдиган вазиятда ўз қўли билан ёзиши ва имзолаши лозим. Бу ҳақда нотариус васият қилувчидан оғзаки сўрайди ва тасдиқловчи ёзувда кўрсатади. Васиятнома икки гувоҳ ва нотариус иштирокида хатжилдга солинади, гувоҳлар хатжилдга имзо қўядилар. Гувоҳлар имзо қўйган хатжилд бошқа хатжилдга солинади, бу хатжилдга нотариус тасдиқловчи ёзувни ёзади. Шу тариқа махфий васиятнома қайд этилади ва нотариал идорада сақланади.

Нотариус васиятномани тасдиқлашда васият қилувчига Фуқаролик кодексининг «Васиятномани бекор қилиш ва ўзгартириш» ҳамда «Меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқи» тўғрисидаги моддалари мазмунини тушунтириши лозим. Бу васият қилувчи исталган вақтда ўз васиятномасини тўлалигича бекор қилишга ёхуд унда мавжуд бўлган айрим васият фармойишларини янги васиятнома тузиш орқали бекор қилишга, ўзгартиришга ва тўлдиришга ҳақли деган маънони англатади.

Қонунда мулкдорнинг ўз мулкидан хоҳишига биноан фойдаланишга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилган. Шу жумладан, у мулкини мерос тариқасида ҳам қолдиришга ҳақлидир. Қонунда мерос билан боғлиқ талаблар ўз аксини топган бўлиб, васиятнома, хусусан, махфий васиятномага доир меъёрлар шулар жумласидандир. Бу борадаги қонун талабларидан хабардор бўлиш ҳуқуқий маданиятнинг юксалишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Мавлуда МАНСУРОВА,
Шайхонтоҳур туманидаги 7-сонли давлат нотариал идораси нотариуси

Ҳаётимизнинг тобора фаровонлашиб бораётганини кўчаларни тўлдириб ўтаётган замонавий русумдаги машиналардан билса бўлади. Дарҳақиқат, енгил машина оиланинг бойлиги саналиши билан бирга узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қиладиган қулай восита ҳам ҳисобланади.

Албатта, йўлларда машина белгиланган қоидаларга қатъий амал қилган ҳолда бошқариш ҳар бир ҳайдовчидан алоҳида масъулият ва ҳушёрлик талаб қилади.

Saboq

Йўл ҳаракати қоидалари

уларга қатъий риоя этиш хавфсизлигимиз гаровидир

Афсуски, ҳаётда тўқликка шўҳлик қилгандек, машинани бепарволик билан бошқарадиган, асоссиз равишда тезликни ошириб юбориб, нафақат ўзини, балки бошқаларнинг ҳам умрига жиддий хавф соладиган кишилар учраб туради.

Масалан, А.Қаюмов ўзининг «Нексия» русумли автомашинасини бошқариб бораётиб, гарчи тезлик чекланган бўлса-да, бепарволик билан машинасининг тезлигини ошириб юборади. Бу хатти-ҳаракати билан у Йўл ҳаракати қоидаларининг 12.1-, 15.1-бандлари талабларини қўпол равишда бузади. Энг ачинарлиси, унинг бу ўзбошимчалиги қимматга тушди. Чунки у У.Рўзметов ва А.Бакировани автомашинасининг ўнг қисми билан урриб юборади. Натижада У.Рўзметов енгил, А.Бакирова эса ўрта оғир тан жароҳати олади.

(Давоми тўртинчи бетда)

қадри муқаддас

Мазкур қарорнинг 2-бандида Жиноят кодексининг 135-моддаси биринчи қисми диспозицияси мазмунига кўра, одам савдоси деганда, одамни олиш-сотиш ёки одамни эксплуатация қилиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш тушунилиши қайд этилган.

Шу ўринда мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз тумани судининг 2010 йил 25 ноябрдаги ҳукмига кўра, судланувчи А. Қодиров, 2008 йил март ойида шу туманда яшовчи фуқаро Марҳабо Эркаевага Россия Федерациясининг Ленинград областида ўзи ишлайдиган жойга ошпаз сифатида олиб кетишини ва унга ҳар ойда 500 АҚШ доллари миқдорида маош беришни олдиндан ваъда қилади. Шундан сўнг у олти ой давомида М. Эркаеванинг фуқаролик паспортини олиб қўйиб, маошини бермасдан мажбурий тарзда ишлатган. А.Қодиров одам савдоси жиноятини содир этишда айбли топилиб, тегишли жазога тортилди.

Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги **«Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарорига асосан тузилган Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идороларо комиссияси белгиланган низом асосида бу борада кенг фаолият юритмоқда.

Ушбу қарорни бажариш мақсадида вилоятимизда ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Вилоят идороларо комиссияси жойларда одам савдосига қарши курашиш бўйича давлат ва жамоат ташкилотларидан таркиб топган ишчи гуруҳлари билан тарғибот-ташвиқот ишларини изчил давом эттираётир. Жумладан, «Одам савдосига қарши курашиш — давр талаби», «Инсон озодлиги — олий қадрият», «Биз — ёшлар одам савдосига қаршимиз» каби кўплаб мавзуларда вилоятимизнинг шаҳар ва туманлари, маҳаллаларида, ўқув муассасаларида ташкил этилган семинар ҳамда давра суҳбатлари қизғин муҳокот, фикр алмашувлар, савол-жавоблар тарзида ўтаётганлиги бундай тадбирларни янада кенгроқ ва кўпроқ амалга оширишга ундайди. Бундай тарғибот тадбирларига ёшларни жалб этиш алоҳида диққат-эътиборга олинган.

Зеро, аксарият ҳолларда бир эмас, бир неча давлатлар доирасида жиноий гуруҳлар томонидан содир этилаётган одам савдоси жиноятининг юртимизда илдиз отишига йўл қўймаслик, келажагимиз эгалари бўлган фарзандларимизни чегара билмас бу иллат домига тушиб қолишларидан асрашимиз шарт.

Одам савдосининг ҳар қандай кўриниши ҳеч бир фуқаронинг тақдирига, дахлсиз ҳуқуқи, тинч ҳаётига таҳдид солишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Ҳаётий таҳлиллар шуни кўрсатадики, бу чиркин жиноят билан шуғулланувчи кимсалар айрим ёшларни мўмай пул топишнинг чексиз имкониятлари ҳақида қуруқ ва ёлғон ваъдалар бериб, алдаб, ноқонуний йўллар билан хорижий давлатларга олиб чиқиб кетиш орқали уларни ўз қабиҳ жиноятлари қурбонига айлантирадилар. Ҳатто ўз юртдошлари, қариндошларини ҳам бу қабиҳлик домига илинтиришдан тоймайдиган кимсалар ҳам борлиги ҳар биримизни ҳушёр торттирмоғи зарур. Зотан, инсон эркинлигига, ҳаётига дахл қилишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Шундай экан, одам савдоси аталмиш глобал муаммога қарши ақл-заковатимиз, башарий ҳамда миллий қадриятларимизни қалқон қилиб, ҳамжиҳатлик билан курашишимиз мақсадга мувофиқдир.

Холмамат ХАСАНОВ,
жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судининг раиси

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

Сирнинг очилишига уни ўзгаларга ишонган одамнинг ўзи айбдор.

* * *

Қўрқув қалб ожизлигининг мевасидир.

* * *

Инсонга инсондан яхшироқ наф етказувчи йўқ.

* * *

Билмаган нарсани билмайман, деб жавоб беришдан уялманг.

* * *

Ўзини билимдон дейдиган нодондан қоч.

* * *

Фикрламоқ бир ойнадир, сенга яхши ва ёмон амалларингни кўрсатади.

* * *

Ҳузур-ҳаловат бағишловчи ишни бажариш — олижаноб фазилат.

* * *

Тўрт нарса инсонни улуғлайди: илм, одоб, омонатдорлик ва иффат.

* * *

Қандай боқсанг, шундай кўрин, қандай кўринсанг, шундай бўл.

Mulohaza

Фарзандлар тақдирига масъулмиз

Халқимиз оилага азалдан алоҳида эътибор ва масъулият билан қараб келган. Бу мўъжаз масканни ўзларининг шаъни, қадр-қиммати деб билган ва уни турли хил иллатлардан ҳимоя қилган. Айтиш керакки, оилага бундай юксак муносабат замирида умрнинг қадрига етиш, ҳаётни мазмунли ўтказиш, ўзидан яхши ном қолдириш ва оқил фарзандларни тарбиялаб вояга етказиш каби эзгу мақсадлар мужассам.

Айтиш керакки, истиқлол йилларида мамлакатимизда ҳар бир оиланинг тинч-тотув, фаровонлигини таъминлаш йўлида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётгани, айниқса, оиланинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатли ҳимоя қиладиган мустаҳкам ҳуқуқий база яратилганига ҳар биримиз гувоҳмиз.

Албатта, оиланинг пойдевори мустаҳкам, оила аъзолари аҳил-иноқ, ҳаммаслак бўлса, жамиятда ҳам тинчлик-осойишталик янада барқарор бўлади. Бундай ахлоқий ва маънавий қадриятлар юксак ўрин тутган оилаларда, ҳеч шубҳасиз, эзгу ишларни давом эттирадиган оқил фарзандлар вояга етади.

Аммо ҳаётда баъзан оила сингари муқаддас масканга лоқайд ва эътиборсиз қарайдиган кимсалар ҳам учраб туриши кишини таассуфга солади.

...Мана, яна бир суд иши тугади, лекин унинг юки ҳамон елкамдан тоғдай босиб турибди. Узоқни кўра олмаган ота-онанинг айби билан болалик бахтини тўла-тўкис ҳис қилолмаган гўдакнинг жавдираб турган кўзларига қараш нечоғлик оғир эканлигини яна бир бор ҳис қилдим. Уларнинг музтар нигоҳлари «Мен отам билан ҳам, онам билан ҳам бирга яшашни истайман. Отамни ҳам, онамни ҳам бирдай яхши кўраман. Мен уларни баравар соғинаман» деяётгандек эди гўё.

Гўдак ёлғонни билмайди, кўнглида не бўлса, барини очиқ айтади. Агар азиз болажонлардан «Сен учун дунёдаги энг катта бахт нима?» — деб сўрасангиз, «Оилада ота-онам билан бирга яшаш», — деб жавоб беради. Шу маънода оилада ота-она ўртасида келиб чиқадиган низо, уларнинг



бир-бирини тушунмаслиги, охир-оқибат оиланинг бузилишигача бориб етиши, энг аввало, фарзандлар тақдирига таъсир қилади.

Шу ўринда яна суд жараёнига қайтадиган бўлсак, Азиз Бухорога ўқишга боради. Талабалик даврида у Севара исмли қиз билан аҳду паймон қилади. Уларнинг оила қуриш ҳақидаги қарорига ота-оналари ҳам розилик билдиришади. Хуллас, Севара Сурхондарёга келин бўлиб тушади. Вақти-соати етиб, уларнинг бир қувончи ўн бўлади: янги оилада қизалоқ дунёга келади. Унга Ситора деб исм қўйишади. Шундан сўнг оилада яна икки нафар фарзанд — Нодир билан Жамшид туғилади. Бу оиланинг бахтига ҳамма ҳавас билан қарарди.

Аммо кейинчалик бу оиланинг бахтига кўз тегди, Азиз билан Севаранинг орасига совуқчилик тушди. Аслида, ҳар бир оилада ҳам баъзан майда-чуйда гап-сўз бўлиб туради. Аммо халқимиз бундай паллаларда «Эр-хотиннинг уруши — дока рўмолнинг қуриши» дея муаммонинг газак олиб кетмаслиги учун чигалликни тезроқ бартараф этишга ундайди. Чиндан ҳам, эр билан хотин бир-бирини аяса, ҳурмат қилса, муаммога ўрин қолармиди?!

Аммо Севаранинг ҳаддан ортиқ рашкчилиги, Азизнинг бўлар-бўлмасга жаҳлига эрк бераверіши охир-оқибат уларнинг оиласини боши берк кўчага киритиб қўйди...

Ушбу низо судга келиб тақалганда умумий манзара мана шундай эди. Бу вақтда оиланинг тўнғичи 13, ўртанча фарзанд 10, кенжатой эса 3 ёшга тўлганди. Албатта, суд томонидан оилани сақлаб қолиш, эр-хотинни яраштириш борасида барча зарур чора-тадбирлар кўрилди. Бироқ Азиз ҳам, Севара ҳам бир-бирини тушунишни истамади, на насиҳат, на маслаҳат кор қилди, бир сўз билан айтганда, улар ўз билганларидан қолишмади. Охир-оқибат болалар ота-онаси, васийлик ва ҳомийлик комиссияси ҳамда ўқитувчилар иштирокида суд залига таклиф қилинди.

Судда оиланинг тўнғичи — ўн уч ёшли Ситорадан «Отанг билан қоласанми ёки онанг билан?» — деб сўралганда, у «Укаларим ким билан қолса, мен ҳам ўша билан қоламан», — деган жавобни берди. Афсуски, укаларига нисбатан юрагида жўшқин меҳрни ҳис қилаётган, улардан ажралишни асло истамаётган бу қизалоқнинг ота-онаси жондан азиз фарзандлари тақдирига лоқайдлик билан қараши, уларнинг келажагига қайғуришдан кўра, ўзларининг иззат-нафсини устун қўйиши ҳар қандай кишини таажжубга солади.

«Судья опажон, фақат ўзингиз ўқинг!» деб берган Ситоранинг мактубида шундай сатрлар бор экан: «Энг ширин нарса уйқу дейдилар. Мен шу ширин уйқумдан кечиб, ушбу хатни ёзаяпман. Ҳали 13 ёшдаман-у, аммо ҳаёт мени улғайтириб қўйганини билмай қолибман. Мен шу ширин уйқумдан кечишга тайёрман, токи отаонам билан бирга бўлиш учун, бор ҳузур-ҳаловатимдан кечишга тайёрман, ота-онамнинг, оиламиз тинчлигини деб...».

Қаранг, фарзанд ота-онаси, оиласи учун ҳамма нарсага тайёр. Унга бойлик керак эмас, у дунёнинг ҳеч бир неъматини ота-онасининг дийдорига алмаштирмайди.

Суд ўн уч ёшли Ситорани ва кичкинтой Нодиржонни онаси билан, ўн бир ёшли Жамшидни отаси билан қолдириш ҳақида қарор қабул қилди.

Оиланинг нозик жиҳатларидан бири шундаки, ундаги қувонч ва шодлик ҳам, ғам ва ташвиш ҳам ҳаммага — оиланинг барча аъзосига бирдай тааллуқли. Шу маънода ота-она айби учун фарзандларнинг азият чекиши ота-онанинг энг катта хатоси эмасми? Онаси билан қолган болалар ота меҳрини қаердан топишади? Отанинг қўлидаги болакай-чи? Бу дунёда она чеҳрасидан ҳам суюклироқ чеҳра топа олармикан у?..

Албатта, бу манзарага холис кўз билан қараган киши ота-онанинг қанчалик катта хато қилганини англайди. Фарзанд тақдирига бепарволик, сабр-қаноатни билмаслик уларни шу кўйга солган. Бу воқеа тафсилотларини тўлиқ баён этишдан мақсадимиз – бундай хатони бошқалар такрорламасин! Яхши ният билан бунёд бўлаётган оилалар соҳиблари шу кўргоннинг мустаҳкамлиги учун масъул эканликларини унутмасинлар.

Ўғилой АЛИМАРДАНОВА,
фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилояти судининг судьяси

Ajoyibot

Сирли дунё

ҒАЛАТИ ДАРАХТЛАР

Марказий Американинг айрим туманларидан ҳалиҳамон одамхўр дарахтлар ҳақидаги хабарлар келиб туради. Мутахассисларнинг маълумот беришича, бунақа ғаройиб дарахтларнинг қисқа танаси ханжарсимон ўсимталар билан қоплангган. Бу ўсимталар ёнидан мабодо бирон кимса ўтиб қолмагунча ерга чўзилганча қилт этмай ётади. Ўз оёғи билан келиб қолган ўлжасининг шарпасини сезиши ҳамон ҳалиги ханжарлар бирдан уни исканжага олади.

1892 йилнинг 27 августида «Иллюстрейтед Лондон ньюс» газетасида Никарагуада ўсадиган, итларни ейдиган дарахт ҳақида маълумот берилади. Данстен деган табиатшунос олим Никарагуа кўллари атрофидаги ботқоқликларда ўсадиган ҳар турли ўсимликларни қидираётиб итининг жон-жаҳди билан акиллаётганини эшитиб қолади. Тўрт оёқли жониворнинг олдига ҳаллослаб етиб келган Данстен итининг арқонга ўхшаган томирлар билан чирмаб ўралганини кўриб қолади. Данстен итини амаллаб дарахтнинг чангалидан қутқариб қолади. Итнинг терисида жароҳат излари қолган эди. Маҳаллий аҳоли бу ғаройиб дарахтни яхши билишар экан. Уларнинг ҳикоя қилишича, бу дарахт ҳар қандай жонли мавжудотнинг қонини беш дақиқада ичиб тамом қиларкан.

Худди шундай дарахтлар Мексиканинг Сьерра-Мадре деган гўшасида ҳам ўсаркан. Аҳоли уларни илондарахт деб атаркан. Ана шу дарахтга йўлиққан бир сайёҳнинг гувоҳлик беришича, шохига бехос қўнган қушни ўша дарахт бир зумда сиқиб, қонини ичган. Қон дарахтнинг пўстлоғи орқали шимиларкан, ўлжанинг жуссаси эса қуп-қуруқ бўлиб қоларкан. Бу ғаройиб томошадан ҳайратланган сайёҳнинг қўли бехосдан ўша дарахтнинг шохига тегиб кетади. Дарахт шу заҳоти унинг қўлини шундай куч билан сиқадики, сайёҳ қўлини аранг тортиб олганда териси шилиниб тушади.

Тахминларга қараганда, бу дарахт машҳур француз олими Байрон де Пророк 1933 йили Мексика жанубидаги Чиапас туманининг ҳали ўрганилмаган чангалзорларига уюштирилган экспедицияга раҳбарлик қилганида кашф этган янги ўсимлик тури бўлиши ҳам мумкин. Ўшанда у бошқарган тадқиқотчилар ўрмонга эндигина киришганда уларга йўл кўрсатиб бораётган Доминго улкан бир дарахтга ишора қилади. Пророк шу лаҳза дарахтнинг бир қушни тутиб қолганини кўради. Дарахтнинг игнасимон «панжа»лари қушни маҳкам сиқиб қолади. Доминго бу дарахтни «қонхўр ўсимлик» деб атайди.

Бизнинг кунларга яқин, 1970 йилларнинг бошларида бразилиялик тадқиқотчи Мариано де Сильва Бразилия ва Гайана чегарасида шунақа дарахтни учратади. Чамаси, бу дарахт ўзидан жонли махлуқларни жалб қиладиган қандайдир бир ис чиқараркан, оқибатда маймун ва бошқа жониворлар унинг ўлжасига айланаркан.

БАРҲАЁТ ГУЛ

Австралиянинг мўъжазгина шаҳарчасидаги сўлим бир гўшада ўртача катталикдаги ҳовуз бор. Ҳовуз ўртасида узоқ йиллардан буён чиройли бир нилуфар гули ўсиб туради. Шу ерлик 80-90 ёшли қариялар ҳам бирон марта бу гулнинг сўлиганини эслай олмайдилар. Бир йилда икки маротаба япроқларини янгилайди. Қизиғи шундаки, бир кеча-кундузда гул илгариги тароватига қайтади.

Айтишларича, ушбу гулнинг тарихи тахминан уч юз йилни ташкил этаркан. Бу гапларнинг нечоғли ҳақиқат бўлгани бизга қоронғи, аммо нилуфарнинг атрофида не-не ғаройиб воқеаларни ўз кўзи билан кўрганлар талайгина.

Агар кимда ким ўз дўсти, қариндош-уруғи, ёру биродарларининг қандай одам эканлигини билмоқчи бўлса, марҳамат. Ҳовузнинг атрофини бир маротаба айланиб кўриши кифоя. Мабодо айлангувчи ёмон хулқли одам бўлса, ҳовузни ярим маротаба айланиши биланоқ безгак тутгандай қалтирай бошлайди. Шу пайтгача мана ман деганлар ҳам нилуфарни уза олишмаган. Кимда ким унга қўл тегизса, баданида минглаб чумоли ўрмалагандай бўлади-ю ўзидан-ўзи қиқирлаб кула бошлайди.

Бир пайтлар шаҳарчага қутурган филлар галаси ҳужум қилганда отилган дайди ўқлару ўқ тегиб ҳовузга йиқилган филлар ҳам нилуфарга зарар етказа олмаган. Энг қизиғи, ушбу гул янги турмуш қураётган келин-куёвларни «яхши кўради». Улар яхшими-ёмонми ҳовузга яқин келганларида япроқлари қуёш нурида бошқача жилвалана бошлайди. Айтишларича, бир умр бир-бирларига содиқ қолган жуфтларнинг кўз ёшларидан ушбу ҳовуз ва унинг ўртасидаги ғаройиб гул пайдо бўлган эмиш.

(Давоми бор)

Шодмон ОТАБЕК тайёрлади.

«Кўза кунда эмас, кунида синади», дейди доно халқимиз. Дарҳақиқат, бирор-бир ишнинг нотўғрилигини била туриб, унга қўл ураётган айрим кимсалар «қилмишимни ҳеч ким билмайди, билганимни қилиб юраверараман», деб ўйлайди-ю, аммо вақти келиб барча хатти-ҳаракати учун жавоб беришини хаёлига ҳам келтирмайди.

Qilmish-qidirmish

Гиёҳвандлик — умр заволи

Масалан, қонунан тақиқланган гиёҳванд моддаларнинг олди-сотдиси билан шуғулланаётган кимсалар бу разил қилмишлари билан неча-неча оиланинг тинчлигига рахна солаётганини, ҳали оқу қоранинг фарқига бормайдиган ўсмирларнинг гиёҳвандлик домига тортиб, ҳаётини издан чиқариб юборишига сабаб бўлаётганини хаёлига ҳам келтирмайди.

Масалан, Бувайша Эсиргапова...

Б.Эсиргапова Ғаллаорол тумани судининг 1995 йил 21 июлдаги ҳукмига кўра, Жиноят кодексининг 270-моддаси 1-қисми билан айбли топилиб, уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган ва Жиноят кодексининг 72-моддасига асосан унга уч йил синов муддати белгиланган. Жиноят кодексининг 78-моддаси талабига кўра, унинг судланганлик ҳолати тугаллангани Б.Эсиргаповага бир умрлик сабоқ бўлиши лозим эди.

Шунга қарамай, Б.Эсиргапова кексалик гаштини суриш, фарзандларининг топганига қаноат қилиб, шукроналик келтириш ўрнига уйида гиёҳвандлик моддасини ўстириб, парвариш қилаётганда қўлга тушди.

Туман ички ишлар бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда холислар иштирокида Б. Эсиргапованинг ҳовлиси кўздан кечирилганда, гул пушталари орасида 250 туп кўкнори ҳам ўсаётганлиги маълум бўлди.

Суд барча оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи жиҳатларни инобатга олди ва Б.Эсиргаповани Жиноят кодексининг 270-моддаси 1-қисми билан айбли топиб, қилмишига яраша жазо белгилади.

Аёл зоти — нафислик, гўзаллик, чирой тимсоли. Қарангки, жиноий қилмиш ана шундай эзгуликнинг ҳам юзига қора парда тортиши мумкин. Яъни умрини савобли ишларга, эзгу юмушларга сарфламаган, аксинча, нопоклик йўлини тутган, устига-устак, ўзига кўрсатилган мурарватдан тўғри хулоса чиқармаган кимса, гарчанд у аёл бўлса ҳам, жиноятчи деган ном олади. Хаёлида нопок йўл билан бойишдай эгри ният ғимирлаётган айрим кишилар учун ушбу воқеа сабоқ бўлса, ажаб эмас.

Ўткир ЖЎРАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Янгиобод тумани судининг раиси

Қиш завқи

Saboq

Йўл ҳаракати қоидалари уларга қатъий риоя этиш хавфсизлигимиз гаровидир

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

А.Қаюмов Жиноят кодексининг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганлиги учун ойлик иш ҳақининг 20% фоизини давлат фойдасига ундириб, уч йил ахлоқ тузатиш жазосига ҳукм қилинди. Шунингдек, у икки йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан ҳам маҳрум этилди.

И.Рихсибоев ҳам «ВАЗ-2103» русумли автомашинасини бошқариб бораётиб, йўл ҳаракати қоидаларига амал қилишни унутиб қўйди. Ана шундай эътиборсизлик оқибатида йўл транспорт ҳодисаси рўй берди. У машинасини «Фарғона йўли» кўчаси бўйлаб бошқариб бораркан, йўлнинг ҳолати ва ундаги ўзгаришларга эътибор бермай бепарволикка йўл қўяди ва йўловчи С.Қосимовни уриб юборади. Аслида, қоидага биноан И.Рихсибоев машинасини тўхтатиб туриши ва пиёданинг йўлни кесиб ўтишига имкон бериши керак эди. Бироқ у тезликни ошириб юборганлиги натижасида машинани тўхтатолмади. Оқибатда пиёда тан жароҳати олиб Республика шошилинч тез ёрдам илмий марказига ётқизилди. Суд-тиббиёт экспертизасининг хулосасига кўра, С.Қосимов оғир даражадаги тан жароҳати олган.

Жиноят кодексининг 266-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилган И.Рихсибоевга жарима жазоси тайинланди. Жиноят кодексининг 45-моддасига биноан у бир йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинди.

Эндигина йигирма икки ёшга тўлган Хуршид Зуфаров томонидан содир этилган йўл-транспорт ҳодисаси ҳаммасидан ошиб тушди. Унинг ўзига бино қўйганча машинани бошқариши ва беписандлиги оқибатида 2001 йилда туғилган М.Содиқов оғир тан жароҳати олди.

Суд Х.Зуфаровнинг жиноий қилмишини кўриб чиқиб, уни Жиноят кодексининг 266-моддаси 2-қисми билан айбдор деб топди ва тўрт йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади, икки йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилди.

Албатта, суд бундай жиноий қилмишларни содир этган кимсаларга қонуний жазо тайинлайди. Аммо кимнингдир эҳтиётсизлиги ва бепарволиги туфайли оғир жароҳат олиб, бир умрга ногирон бўлиб қолган кишиларнинг соғлигини қайтариш мушкул.

Хулоса ўрнида айтганда, ҳар биримиз машинани бошқариш чоғида йўл ҳаракати қоидаларига қатъий амал қилишимиз, ҳушёр ва эътиборли бўлишимиз бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олади.

Ёқутхон ҲАЙДАРОВА,
жиноят ишлари бўйича Миробод тумани судининг раиси

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бўритош МУСТАФОЕВ, Олимжон ИСМАИЛОВ, Шерали РАҲМОНОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Нуриддинжон ИСМОИЛОВ, Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ, Муҳаммад АЛИ, Омонбой ОҚЮЛОВ, Холмўмин ЁДГОРОВ, Дилбар СУЮНОВА, Масардин ҲАСАНОВ, Юлчибой ТУРСУНБОЕВ, Шоюнус ҒОЗИЕВ, Бахриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Алибек ЭРГАШЕВ

Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1.
E-m@il: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: 239-02-54, 239-02-55

Буюртма: Г-218. Қоғоз бичими: А-2. Сотувда эркин нархда. Адади: 8865.
1 2 4 5 Топширилди: 22[30]